

2024-yil
19-dekabr
payshanba
№153
(5061)


Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqib boshlagan

Ўzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Оллохшукур ПОШШОЗОДА,
Кавказ муслмонлари идораси раиси,
шайхулислом

Шавкат Мирзиёев
шахсияти бугун нафақат
Ўзбекистон, балки
минтақага дахлдор!



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ФЕНОМЕНИ



Озарбайжоннинг Боку шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фаолиятига бағишлаб озарбайжон тилида чоп этилган «Шавкат Мирзиёев феномени» китобининг тақдироти бўлиб ўтди

2-, 3-саҳифаларда батафсил танишинг...

Куннинг муҳим воқеалари

Президент Шавкат Мирзиёев 18 декабрь куни «Tashkent Pharma Park» инновацион илмий-ишлаб чиқариш фармацевтика кластерини бориб кўрди. Шу куни давлатимиз раҳбари «Tashkent Pharma Park» инновацион кластерида фармацевтика соҳасидаги корхоналар раҳбарлари билан мулоқот қилди.

Президентнинг «Ёшларнинг спорт билан мунтазам шугулланиши учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, ҳафтанинг ҳар пайшанба куни жисмоний тарбия ва спорт куни сифатида белгиланди.

Россиянинг Russian Traveler журнали томонидан ташкил этилган Russian Traveler Awards – 2024 миллий туризм мукофотининг эксперт ҳакамлар ҳайъати Ўзбекистонни «МДХ мамлакатларида туризм» номинациясида ғолиб, деб топди.

Жанубий Корея темирйўл корпорацияси Тошкент - Самарқанд йўналишида тезулар поездлар учун темирйўл линияси қурилишининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқишни бошлади. Лойиҳа 2026 йил мартага қадар амалга оширилади.

МЕҲНАТ СОҲАСИДАГИ МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси қатор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ташкил этган давра суҳбатида меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинди.

Тадбирда Федерация аппарати раҳбарияти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Одилжон Тожиев, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири ўринбосари Раъно Турдубоева ҳамда давлат ташкилотларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя, янги иш ўринларини яратиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида муҳим вазифалар амалиётга татбиқ этилди. Айниқса, ишчи-ходимлар томонидан анча йиллардан бери кўтариб келинаётган қатор муаммолар охириги йилларда ўз ечимини топгани туб ислохот-

ларнинг реал ифодаси бўлди.

Масалан, илгари иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, банклардан иш ҳақи учун нақд пул олиш ёки тиббиёт ва таълим муассасаларида меҳнат қилаётган ходимларнинг тиббий кўрик жараёнида чикимдор бўлиб қолишлари каби муаммолар ҳал қилинмай келинарди. Ҳозир улар тўлиқ бартараф этилган.

Зеро, охириги йилларда меҳнат қончилигига доир кўплаб мақташга арзигулик ишлар амалга оширилди, қатор ҳужжатлар қабул қилиниб, борларига ўзгартиришлар киритилди. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга бутунлай барҳам берилди. Натижада ўзбек пахта-сига

кўйилган бойкот бекор бўлди.

Машваратда, шунингдек, кенгаш раислари, меҳнат ҳуқуқ инспекторлари, касба уюшма фаоллари томонидан иш фаолиятларида дуч келаётган муаммолар ва масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам муҳокама марказида бўлди. Сўзга чиққанлар бандлик, ижтимоий ҳимоя, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, корхона, ташкилот ва муассасаларда ижтимоий ҳимоя ҳамда меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича қатор таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Касба уюшмалари, вазирлик ва идоралар, иш берувчилар ўртасида мана шундай давра суҳбатлари ташкил этилаётгани, камчиликлар, муаммолар ўртага ташланиб, муҳокама этилаётгани, шубҳасиз, меҳнатқашларнинг ҳақ-ҳуқуқлари янада мустаҳкамланишига хизмат қилади, - деди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари - Меҳнат инспекцияси бошлиғи Қобилжон Қирғизалиев.

Тадбир якунида касба уюшмалари ва иш берувчилар ижтимоий шериклигида амалга оширилаётган ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

Амир АХМЕДОВ



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши мажлислар залида касба уюшма фаоллари, вазирлик, идора ва бошқарама вакиллари иштирокида «Меҳнат соҳасидаги муҳим масалалар» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Касба уюшмалари Федерацияси ва Иш берувчилар конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид тузилган Бош жамоа келишуви, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, Касба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши ва Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон бошқармаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган Худудий жамоа келишувининг 105-бандларидан келиб чиқиб, ўтказилган тадбирни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши раиси Улуғбек Жалмонов очиб берди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг меҳнат ҳуқуқ инспектори М.Қалжанов «Меҳнат соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва ечимлар» тўғрисида, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ижтимоий соҳа иқтисодиёти ва муассасаларни молиявий таъминлаш бўлими раҳбари ўринбосари П.Аллаярлов

«Бюджет ташкилотларида иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя ҳамда меҳнат муҳофазаси ишларини молиялаштириш масалалари», шунингдек, Савдо-саноат палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси ўринбосари А.Аманбаев «Тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратиш» сингари мавзуларда маъруза қилдилар.


Давра суҳбатида бандлик соҳасида, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоя, хусусан, ходимларни бепул тиббий кўриқдан ўтказишда учраётган муаммолар, жамоат транспорти, меҳнат муҳофазаси ишларини молиялаштириш борасида, тиббиётда, таълим тизимида педагог-ўқитувчиларга сертифицика бериш ва тоифалаш масалаларида дуч келинаётган муаммолар таҳлил қилинди. Қайд этилган ҳолатлар ечимига оид саволларга тегишли вазирлик, бошқарама ва ташкилот масъуллари томонидан атрафлича жавоблар берилди. Пировардида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

1211

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.





ШАВКАТ МИРЗИЙОЕВ ФЕНОМЕНИ

Озарбайжоннинг Боку шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фаолиятига бағишлаб озарбайжон тилида чоп этилган «Шавкат Мирзиёев феномени» китобининг тақдими бўлиб ўтди

ШОНЛИ ТАРИХГА МУНОСИБ ФАОЛИЯТ



Оллохшукур ПОШПОЗОДА,
Кавказ муслмонлари
идораси раиси,
шайхулислом.

– Ўзбекистоннинг Ибн Сино, Фиробий, Мирзо Улуғбек, Имом Бухорий, Термизий, Мотуридий каби буюк олимлари, Алишер Навоийдек беназир шоири ва Амир Темур, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби улуғ саркардалари бўлган. Улар бутун ислом маданиятининг ёрқин намоёндалари бўлиб етишиб чиққан.

Шавкат Мирзиёевнинг раҳбар сифатидаги лидерлик фаолияти ҳам ана шу шонли тарихга муносиб йўлдан кетаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Турк дунёсидаги икки қардош мамлакат – Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар Шавкат Мирзиёев жанобларининг саъй-ҳаракатлари билан янги босқичга кўтарилди. Икки давлат ўртасидаги бундай ҳамкорлик биз учун ҳам шарафдир.

Ўзбекистонда биргина Ислом цивилизацияси марказининг ташкил этилиши ислом маорифидаги

маёқ вазифасини бажармоқда. Собиқ совет тузуми даврида сояда қолиб кетган 500 йиллик тарихга эга мадраса ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг ривожланиши дунё диққатини ўзига жалб этди. Бунинг учун ўзбек халқи ва Ўзбекистон раҳбариятига алоҳида миннатдорлик билдиришдан мамнунмиз.

Ушбу мамлакатнинг гуллаб-яшнаши, аждодлари меросини асраб-авайлаши йўлида янги муваффақиятлар тилаймиз. Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ва Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамкорлигида яратилган ўзаро янги тарихимиз ҳақиқий қардошлик муносабатларимизни, сиёсий маданиятимизни нафақат турк дунёси, балки бутун оламга намойиш этмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик алоқалари доимий бўлишига тилакдошимиз.



Сизга тавсия этамиз!

**ЎЗБЕКИСТОН –
ДОИМО ЮРАГИМДА!**



**«МИРЗИЙОЕВ МЕНИНГ ТАСАВВУРИМДА
ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ НУРИ
КАБИ КЎРИНАДИ»**

«Ishonch»нинг
YouTube даги
саҳифаларида

**ушбу
суҳбатни**

батафсил кўринг!



ОЗАРБАЙЖОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИЙ КАВКАЗ ҲАМДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА СИЁСИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ЯНГИ СУРЪАТ БАҒИШЛАМОҚДА

– Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Шавкат Мирзиёев феномени» китобининг озарбайжон тилидаги нашрининг тақдимида қатнашиш мен учун катта шараф ва чинакам хурсандчилик бўлди. Ушбу ташаббус учун Озарбайжон ҳукумати ва Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасига самимий эҳтиромим ва миннатдорлигимни билдираман.

Китобда муҳтарам Шавкат Мирмоновичнинг уникал бошқарув услубига алоҳида эътибор қаратилган. Унинг ёндашуви очиқлик, прагматизм ва халқ эҳтиёжларини чуқур англашга асосланган.

Президент Мирзиёев раҳбарлигида қисқа вақт ичида Ўзбекистонда катта ўзгаришлар рўй берди. «Халқ – ҳокимият манбаи» концепцияси барча ислохотларнинг тамал тошига айланди.

Ўзбекистон ўз мавқеини халқаро майдонда мустаҳкамламоқда, қўшни мамлакатлар билан яқин қўшничилик сиёсати ва конструктив мулоқот амалга оширилмоқда, глобал ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик ривожланмоқда.

Иқтисодий либераллаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва Ўзбекистонни ишончли шерикга айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар жадал давом эттирилмоқда.

«Шавкат Мирзиёев феномени» на-



Баҳром АШРАФХОНОВ,
Ўзбекистон Республикасининг
Озарбайжондаги фавқуллодда
ва мухтор элчиси:

фақат сиёсий етакчи ҳақидаги китобдир. У XXI асрдаги ислохотчилик ва етакчилик феномени бўйича тадқиқотдир. Муаллиф таҳлилий ёндашув билан жамиятимизнинг барча соҳаларини – иқтисодиёт ва сиёсатдан тортиб, ижти-

мой ҳаёт ва халқаро муносабатларга қамраб олган трансформациянинг муҳим жиҳатларини очиб беради.

Бундай мавзуларга эътибор қаратиш бугунги кунда ўта муҳим. Чунки глобал ҷақриқлар ва ўзгаришлар даврида Ўзбекистон тажрибаси кўпга мамлакатлар учун ўрнак бўлиши мумкин.

Бугун Озарбайжон ва Ўзбекистон Жанубий Кавказ ҳамда Марказий Осиё минтақаларида сиёсий ва иқтисодий ўзгаришларга янги суръат бағишламоқда. Катта ишонч билан айтишим мумкин, бу кўп жиҳатдан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларининг сиёсий иродаси туфайли амалга ошмоқда. Охириги уч йилда Озарбайжон ва Ўзбекистон Президентларининг ўзаро ташрифлари тақвимида оддий назар ташлаш ҳам бунга яққол тасдиқлайди: Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга 5 марта ташрифи ва Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга 5 бора ташрифи – бу энг яхши кўрсаткичдир.

Мен ушбу китобни юқори масъулият ва профессионаллик билан озарбайжон тилига таржима қилган адабиётшунослар ва шoirлар Акиф Азалп ҳамда Яшар Қосимбайларга самимий миннатдорчилик билдираман.



Янги Ўзбекистон бунёдкори, Президентимиз Шавкат Мирзиёев фаолиятига нафақат мамлакатимизда, балки халқаро ҳамжамиятда ҳам қизиқиш катта. Тарихан қисқа муддатда Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини тиклаш, маънавий ва маърифий йўналишдаги изчил ислохотлар, тарихнинг ҳали инкишоф этилмаган қирраларига ҳолис баҳо бериш, халқнинг узоқ йиллик орзу-истакларини рўёбга чиқариш, камбағалликни бартараф этиш борасидаги изчил ислохотлар халқаро ҳамжамият, хорижий тадқиқотчилар ва таҳлилчилар эътиборига тушгани ҳам айна ҳақиқатдир.

Яқинда Озарбайжондаги «Таҳсил» ноширлик уйи томонидан чоп этилган «Шавкат Мирзиёев феномени» номли китоб ҳам Озарбайжон зиёлиларининг катта қизиқишига сабаб бўлди. Давлатимиз раҳбарининг қардош мамлакатда бўлиб ўтган халқаро конференцияга ташрифи чоғида Президентга ушбу китоб тақдим этилган эди. Мазкур китобдан сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Менинг Президентим» ва «Миллатпарвар» китобларидан саралаб олиниб, озарбайжон тилига таржима қилинган публицистик эсселар ўрин олган. 18 декабрь куни Озарбайжон Миллий кутубхонасида Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ушбу эсселар тўпламининг тақдимот маросими ўтказилди. Маърифий тадбирда Озарбайжон Парламенти аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзолари, зиёлилар, ижодкорлар ва жамоатчилик ва-

киллари иштирок этишди. Тақдимот маросимида кейинги йилларда Ўзбекистон ва Озарбайжон муносабатлари икки давлат етакчилари Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиевнинг сиёсий иродаси ҳамда яқин дўстона алоқалари сабабли янги босқичга кўтарилгани, бу ҳамкорлик икки қардош халқнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ривожига хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ушбу китоб сўзбоҳиси муаллифи, таниқли уламо, Кавказ мусулмонлари идораси раиси, шайхулислом Оллоҳшукур Пошшоода Ўзбекистонда қисқа фурсат ичида амалга оширилган ислохотлар ҳақида сўз юритар экан, сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов ўз эсселарида ҳар бир соҳадаги янгиланишлар мақсадини, уларнинг бу заҳматкаш халқни рози қилиш, унинг тарихини тиклаш, маънавий меросини давом эттириш, минтақа ва халқаро ҳамжамиятнинг долзарб муаммоларини бартараф

этишдаги аҳамиятини таҳлилий очиб берганига алоҳида урғу берди. Тадбирда Озарбайжон Ёзувчилар уюшмаси раиси, ёзувчи ва жамоат арбоби Анор, Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Баҳром Ашрафонов, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзолари Маҳмуд Тоир, Хусан Эрматов, таниқли ўзбек адиби, профессор Хуршид Дўстмухаммад, Озарбайжон парламенти депутати Элдор Иброҳимов, Озарбайжон Фанлар академияси президенти Иса Ҳабибейли, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, «Шавкат Мирзиёев феномени» китоби таржимонлари Акиф Азалп ва Яшар Қосимбей ҳам сўзга чиқиб, китоб сиёсий журналистикада ўзига хос янгилик бўлганини, қолаверса, Озарбайжон ўқувчилари, сиёсатчилар учун зарур қўлланма вазифасини ўташини таъкидлашди.

НАФАҚАТ МИРЗИЁЕВ, БАЛКИ АЛИЕВНИНГ ҲАМ САМИМИЯТИ БОР БУ КИТОБДА

– Китобнинг бош қаҳрамони – самимият, десам, ҳақ гапни айтган бўламан. Нафақат Мирзиёев, балки Алиевнинг ҳам самимияти бор бу китобда.

Ундан ўрин олган мақолаларни Президент Шавкат Мирзиёев портрети, ислохотлар шиддат билан давом этган давр портрети, қолаверса, одамларимиз турмуши ва тафаккурида кузатилмаётган янгиланишлар, шунингдек, жамиятимиз ҳаётида янгидан-янги воқеликка айланаётган кескин бурилишлар тасвири, таҳлили, тадқиқига бағишланган портретлар, десак ҳам янглишмаймиз.

Ҳар қандай ижод маҳсулининг муваффақияти узукка кўз қўйгандек мохирона шакл танлашдан бошланади. Чунончи, мазмун-моҳият, мундарижа пухталиги ҳам шакл мукамаллигига, шаклнинг ўхшатиб топилганига бориб тақалади. Китобдан ўрин олган туркум мақолалар мутлоаси ана шу мулоҳазанинг нечоғлиқ тўғрилигига мисол бўла олади.

Муаллиф айтганидек, Шавкат Мирзиёев – фавқулодда ҳассос шахс. Унинг яратувчанлик кудратини, ўз халқига, қолаверса, инсониятга ва ҳаётга бўлган меҳру муҳаббатини бугун ҳамма кўриб-билиб турибди, эътироф этипти, қўллаб-қувватлапти. Бугун Қудратилла Рафиқовнинг икки китоби «Менинг Президентим» ва «Миллатпарвар»ни бирлаштирган «Шавкат Мирзиёев феномени» китобининг қардош озарбайжон халқига тухфа этилиши биз учун ҳам фахрли, ҳам қувончлидир.



Хуршид ДУСТМУХАММАД, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи:

ДАВЛАТЛАРИМИЗ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚМОҚДА



Рашад МАЖИД, Озарбайжон Матбуот кенгаши раиси:

Самимият сўзи муносабатларимизни мустаҳкамлайди. Бугунги мажлिसимизнинг асоси ҳам ушбу самимият устига қурилди. «Шавкат Мирзиёев феномени» китоби икки давлат ўртасидаги муносабатлар янги босқичга чиқаётгани ифодасидир.

Яқинда мамлакатимиз жуда катта аңжуманга мезбонлик қилди. Бу БМТнинг Бутунжаҳон иқлим саммити (COP29) бўлиб, у Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг ички сиёсатини ҳамда мамлакатдаги ўзгаришларни кўрсатиб берди.

Юртимизга юзга яқин давлатлар президентлари тақлиф этилди. Унда биз чексиз ҳурмат қиладиган Президент Шавкат Мирзиёев қатнашганидан бағоят хурсанд бўлдик.

Халқларимизни боғловчи китоблар, янгиликлар бардавом бўлсин.

ИККИ ЭЛ ДЎСТЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ЎЗИГА ХОС ТУҲФА

Акиф АЗАЛП, шоир,

«Шавкат Мирзиёев феномени» китоби таржимони:

– Илҳом Алиев Ўзбекистонга ташрифларидан бирида «Бизнинг оиламиз турк дунёсидир» дея таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, бу ҳар биримизнинг шиоримизга айланиши лозим. Модомики бир оила эканмиз, демек, бу оиланинг ҳар бир аъзоси ҳақида, унда бўлаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар ҳақида хабардор бўлишимиз керак, албатта.

Шу маънода Туркия, Қозоғистон,

Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳақидаги кўп янгиликларга эҳтиёж ва иштиёки миз бор. Қудратилла Рафиқовнинг мазкур китоби озарбайжон тилида чоп этилиши айнан шу истак асосида дунёга келди. Хайдар Алиевдек умуммиллий лидернинг ҳақиқий давомчиси бўлган муҳтарам юртбошимиз Илҳом Алиевнинг қўллаб-қувватлови билан яратилган асар икки давлат бирлиги ва дўстлиги йўлидаги ўзига хос туҳфа бўлди.



Яшар ҚОСИМБЕЙ, адабиётшунос, «Шавкат Мирзиёев феномени» китоби таржимони:

– Қудратилла Рафиқов томонидан ёзилган ушбу асарда асосан 2016 йилдан кейинги янгиликлар ва ислохотлар акс этган бўлса-да, унда Шавкат Мирзиёевнинг Ўз-

ТАРЖИМА ЖАРАЁНИДА ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАЛСАФАСИ ҲАМ ЯҚИН ЭКАНИНИ ҲИС ҚИЛДИМ

бекистон Президенти бўлиб сайлангунга қадар кечган ҳаёт йўли, жумладан, институт раҳбари, туман ва вилоят ҳокими, Бош вазир сифатидаги фаолияти ҳам ихчам чизгилар орқали маҳорат билан ифодаланади.

Китобда Янги Ўзбекистон Президентининг барча соҳаларда ҳаётга татбиқ этаётган янгилик ва ислохотлари Ўзбекистондан ташқари Марказий Осиё давлатлари ва дунё бирлиги учун ҳам жиддий туртки бўлаётгани ёрқин мисоллар асосида очиб берилган. Эсселарда муаллиф нафақат ўз фикрига таяниб хулосалар қилади, балки дунё илмий жамоатчилигининг, тадқиқотларнинг, сиёсий мутахассисларнинг факт ва рақамларидан, мулоҳазаларидан иқтибослар, хулосалар келтиради. Китобда жонли, ҳаётий мисол-

лар, халқона ибора ва мақоллар жуда юксак маҳорат билан қўлланилганки, бу текис ва раво, зерикисиз ўқишни таъминлайди. Таржимон сифатида ўзбек мақолларининг озарбайжон тилидаги муқобилларини қўллашга интилар эканман, халқларимизнинг яшаш тарзи, фикрлаши ва фалсафаси ҳам нақадар яқин эканини яна бир бор ҳис этдим.

Президент Мирзиёевнинг бе-назир шахсияти, халқпарвар табиати, инсонсевар сиёсати, янгилик ва ислохотларга бой фаолияти ҳақида бундан кейин ҳам кўп китоблар ёзилажак. Ишончим комилки, Қудратилла Рафиқовнинг бу китоби уларнинг орасида ўзининг халқона усулда ёзилгани билан энг юксак асарлардан бири бўлиб қолаверади.

Сизга тавсия этамиз!

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА МАДАНИЯТИ МУҲТАШАМ ВА БУЮҚДИР



«Ishonch»нинг YouTube даги саҳифаларида

ушбу суҳбатни

батафсил кўринг!





Зулқарнайн ЭКТИРГАН ЁНҒОҚ

Қадимий қишлоқ Сарчашмага саёҳат



Шахрисабз ўзининг бой тарихи, хунармандчилиги ва илму маърифати билан ном қозонган. Хисор тоғ тизмалари эстагидида жойлашган бу сўлим гўша тўрт фаслда ҳам қуримайдиган дарёлари, чўққилари кўкка туташган алпкелбат тоғлари, яшилликка бой табиати, тоза ҳавоси билан ҳам кўплаб сайёҳларни ўзига ром этади. Ўзбекистондаги энг баланд чўкки - Ҳазрати Султон, энг баланд ва сервис шаршара - Сувтушар ҳам айнан шу туманда жойлашган.

Тумандаги Сарчашма қишлоғи минг йиллик чинорлари, минг-минглаб ёнғоқлари, баланд ва текис ўсган теракзорлари, салобатли тоғи билан кишини мафтун этади. Бу гўзал маскан Шахрисабз шаҳридан 75 километр узоқликда жойлашган. Денгиз сатҳидан 2100 метр баландликдаги қишлоқда айни пайтда 5 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Бу ҳудуд бир вақтлар марказдан узилган эди. Узоқ йиллар тараққиётдан орта қолган қишлоқда бугун 2 та замонавий мактаб, янги мактабгача таълим ташкилоти, қишлоқ участка шифохонаси фаолият юритмоқда.

Қишлоққа кириб борар эканмиз, соқоли кўксига тушган, ҳас-сага таяниб суҳбат қуриб турган отахонларнинг файзли давраси диққатимизни тортиди. Уларнинг ёнига бориб, муддаомизни айтдик: «Қишлоқ билан танишмоқчимиз». Отахонларнинг ёшроғи, 70 ёшни қаршилаган Нарзулло Раҳимов қишлоқ билан таништириш мақсадида бизга ҳамроҳ бўлади.

Қишлоқ 2 минг йиллик тарихга эга, - дейди у йўл-йўлкай суҳбатни қиздириб. - Аҳолиси етти уруғдан тарқган. Бу уруғлар Хисор, Самарқанд, Ургут, Бухоридан келиб қолган

«43 йилдан бери шу иш билан машғулман, - дейди 71 ёшли темирчи уста Эргаш Қурбонов. - Ҳамқишлоқлар учун омов, болта, ўроқ, пичоқ каби буюмлар ясаймиз. Темирчиликнинг ўзига яраша сир-синаотлари бор ва уларни шогирдларимга ўргатишдан чарчамайман. Ўшларда темирчиликка қизиқиш юқори. Ўғилларимга ҳам ўргатдим, ёнимга кириб қолишди.

Дарвоқе, қишлоқда хунармандчиликни ота касб билиб эъзозлашар экан. Хусусан, ёғочдан буюмлар ясайдиган 74 ёшли уста Раҳимидин Фатхуллаев ҳам ота-боболари изидан бориб, қишлоқда хунармандчилик ортидан ҳурмат-эътибор қозонган кишилардан бири. У 12 ёшида Фелон қишлоғига қатнаб, шу хунарни ўрганган экан.

«Ҳозир уй-рўзгор буюмлари катта-катта заводларда, цехларда замонавий аппаратлар ёрдамида турли металл ва пластмасса маҳсулотлардан тайёрланяпти, - дейди хунарманд. - Одамларда ўртада бир хунармандчилик буюмларига қизиқиш пасайди. Лекин ёғоч қошиқ, чўмич, капгир каби маҳсулотларимиз харидоригир. Қишлоқда махсус тайёрланган таомларимиз бор. Лотингон, ҳавло деган овқатларни металлдан ишланган уй-рўзгор буюмларида пишириб бўлмайди. Уларга айнан ёғоч чўмичига керак.

«Ҳа, қадимий қишлоқнинг бошқа жойларда учратмайдиган ўз миллий таомлари ҳам бор. Уларнинг сони кўп. Тайёрланиш жараёни ҳам қизиқ.

«Бизда қадимдан лотингон деган таом пиширилади, - дейди Зийнат Насруллаева. - Дастлаб тош қурут қайнаган сувда яхшилаб эзилади. Сўнг қозондаги қайнаган сувга ун солинади ва у пишунчага тинимсиз айлантириб турилади. Тайёр бўлган хамирни сўзиб, устига эзилган қурут ва сариёғ қўшамиз. Бу таом кишда кўп тайёрланади. Турли гиёҳлар қўшилган қурут ва сариёғ иммунитетни кўтаради. Шунингдек, қишлоқда ҳавло деган таом ҳам кўп пиширилади. Бунда қозонга қаймоқ солинади. Эриган қаймоққа ун қўшилади.

«Ҳа, ҳамма ўз иши билан банд бўлган, бир-бирини тўлдириб турувчи сарчашмаликлар тоза ҳаво, зилол сув ва халол меҳнат, дилда шукроналик туйғуси билан ана шундай умргузаронлик қилиб келишмоқда.

Айтганда, яна бир гап. Қишлоқдаги одамлар худди ўрмон бағрида яшаётганга ўхшайди. Бу ерда ёнғоқ дараклари шунчалик кўпки, аҳоли ҳосилини йиғиштириб улгуролмайди. Айтишларича, қишлоқда тангадек ҳам қуёш нури тушмас экан. Қишлоқда диаметри 5,6 метр бўлган қадимий ёнғоқ бор. Ривоятларга қараганда, бу ёнғоқ македониялик буюқ саркарда Исқандар Зулқарнайн аскарлари томонидан экилган экан. Маҳаллий аҳоли уни Сарчашмага экилган илк ёнғоқ дея асраб келишадиган.

Қишлоқдан қайтаётганимизда кун шомга оғаётган, уйларнинг томларидаги мўрилардан тутунлар кўкка ўрлай бошлаган эди.

У одағий уруш тўғрисидаги асар эмас. Унда дўстининг танасини ушлаб йиғлашлар йўқ. Аксинча, дўсти тезроқ жон таслим қилишини кутиш, ўлса, ботинкасини ким олишини келишиб қўйиш, қўйналмасин деб, ўз дўстини ўлдириш саҳналари бор!

Ғарбий фронтда ЎЗГАРИШ ЙЎҚ

ёхуд уруш, номинг ўқсин жаҳонда!

Ремаркнинг «Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ» асарида Биринчи жаҳон уруши даҳшатлари акс этади. Усмирликка энди қадам қўйган, ўқитувчилари томонидан урушга «кўнгилли» бўлиб ёзилган, ватанни ҳимоя қилиш учун отланган 7 нафар синфдош йигитнинг жанг майдонидаги ҳолати, ўй-кечинмалари тасвирланади. Улар жанг қиялти, ҳар сонияда ўлимга рўбарў бўляпти, лекин нима учун, ким учун курашяпти, охири қандай бўлишини ҳали-ҳануз англашганича йўқ. Усмирликнинг кўтаринки руҳиятини урушнинг даҳшати парчалаб ташлаган, руҳан яраланган ҳолда бир кун келиб ҳаммаси тугайди, деган фикрга ишонишади. Лекин у кунда ўзлари тирик бўладими, буни ўйлаш азоб.

Асар урушда шахсан қатнашган ёзувчи томонидан битилгани учун ҳеч қачон жангни кўрмаган одам ҳам унинг бор даҳшатини ҳис қила олади. «Мени ўлдиришлари мумкин бу тасодифга боғлиқ, тирик қолишим ҳам ҳеч гапмас - бу ҳам тасодиф измида. Мустаҳкам блиндаж деворлари тагида қолиб кетсам,

- бунинг ажабланарли жойи йўқ, теп-текис қирда, ўқлар ёмғири остида ўн соат ётиб, бир ерим тирналмаса ҳам биров таажжубга тушмайди. Ҳар бир аскар фақат минг турли сабаб туфайли тирик қолади. Бинобарин, аскар тасодифга ишонади ва унга умид боғлайди», дейди асар бош қахрамони.

Госпиталларда бири оёғидан, бири қўлидан айрилган ўсмир йигитлар, асида жароҳати оғир бўлмаса-да, кекса шифокорнинг аллақандай эксперименти учун тажриба қўнчасига айланган эди. Чунки уруш бундай «шифокор»ларга янги бир тадқиқот учун қулай вазиятдир. Буни асар давомида салкам 8 марта оёғини кестирган собиқ аскар кечинмаларидан ҳам билиш мумкин. Шифокорнинг эса топган гапи битта: «Эндиги сафар кўрмагандек бўлиб кетасан».

Пол ёш - эндигина йигирмага кирди, лекин кўрганлари қон, ўлим, кўркүк ва мудҳиш азоб-уқубатдан иборат нурсиз, бемақсад ҳаётдир. Бир сафар душман қуршовида қолиб, қарши томондан бир аскарга ўқ узишга мажбур бўлади. Аммо бунинг учун виждон азоби, қанчалик пушаймонлиги энди ўзини тинч қўймаслигини англайди. Йигитга ёрдам бериш мақсадида қиймларини ечганда кўкрак чўнтағидан оиласи билан тушган суратлари ва аёлидан келган хатлар сочилиб кетади. Буни кўрган Полнинг ҳолатини тасвирлашга тил ожиз. У ўзини турфа хил хаёллар ила чалғитади. Ҳа, сенда ҳам, менда ҳам айб йўқ, сен ҳам мендек бир аскар бўлсанг, сени атайлабдан ўлдирибманми? Бунда бизнинг айбимиз йўқ. Мени кечир, бу уруш ўлтур тугаса, албатта, се-

нинг оилангдан хабар олиб турман, деб мурда билан гаплаша бошлайди.

«Хар бир аскарнинг олами, умидлари, тақдири - барча-барчаси уруш қурбони. Улар етти нафар эди. Энди Полнинг бир ўзи қолган, шу қадар танҳоки, дунёдан умидини узиб қўйган... «1918 йилнинг октябрида, фронт бўйлаб соқинлик ҳукм сураётган пайтда у ҳалок бўлди, ҳарбий ахборотлар биттагина жумладан иборат эди: Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ».

Кимдир бир халқни иккинчисига қарши гиж-гижлайди, одамлар ўзгаларнинг иродасига бўйсуниб, бир-бирларини ўлдиради. Лекин жинойат қилаётганликлари ва гуноҳга ботаётганликлари ҳақида ўйлашмайди. Асарда Ремарк фронт воқеалари орқали уруш миллатнинг эмас, кичик доирадаги сиёсий шахсларнинг хоҳиши эканлигини ёритиб бермоқчи бўлган. Асл нафратга миллат эмас, сиёсий доирадаги манфаатдорларнинг қўйлишини хоҳлаган. Шу тўғрисида немис фуқаролиидан маҳрум қилиниб, мамлакатдан қувилган ёзувчининг юрак қони билан битилган асарини ўқиган киши борки, бу ҳақиқатни теран англайди. Беихтиёр тилидан шундай сўзлар чиққанини ҳам билмай қолади: «Уруш, номинг ўқсин жаҳонда!»

Баҳодир ХАЛИМОВ
«ISHONCH»



Машхура ЖўРАКУЛОВА
«ISHONCH»

Эълонлар

ТУЗАТИШ

«Ishonch» газетасининг шу йил 14 декабрдаги 152-сониди чоп этилган «Гарант банк» АЖ акциядорлари диққатига! сарлавхали эълонининг

8-хатбошисидаги «А/ 3 500 000 000=В» деган жумла «А/ 3 497 000 000=В»,

11-хатбошисидаги «3 500 000 000 = Банк устав капиталдаги умумий акциялар сон» деган жумла «3 497 000 000 - Банк устав капиталда-

13-хатбошисидаги «А - акциядорнинг Банк устав капиталдаги акциялари сон» деган жумла «А - акциядорнинг Банк устав капиталдаги оддий акциялари сон» деб тузатиб ўқилсин.


«GREEN TV» МЧЖ (СТПР: 302 996 279) устав жамғармаси 2 690 473 894 сўм 42 тийиндан 1 394 473 894 сўм 42 тийинга камайтирилётганини маълум қилади.

Кредиторларнинг талаби Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Жарқўрғон кўчаси, 4-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

25.01.1993 йилда Вафина Расима Мансуровна номига берилган ҳондонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи №02/01/2202 рақамли давлат ордери ҳамда барча кадастр ҳужжатлари йўқолиши сабабли бекор қилинади.

«Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини меҳанизациялаш муҳандислари институти» Миллий тадқиқот университети раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар жамоаси олий таълим даргоҳи бош бухгалтер Илхом Исакович Хасановга отаси **Исақ Мусаевич ХАСАНОВ** вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

Азиз газетон!
Мароқли дам олинг!



*Нәр гесәм oldu кәдәр,
қüssә, фәлакәт сәнсиз,
Нәр нәфәс чәкдәм,
һәдәр гетди о сәәт сәнсиз...*

Низомий Ганжавий ғазали
Муслим Магомаев ижросида
«Сенсиз» қўшиғи
Бастакор: Узеир Ҳожибеков

Umumiy adadi 35 010 ta
Shundan: 7 128 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi - Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 083 nusxasi
«Erudi» MCHJ bosmaxonasi - Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

8 799 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi - Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-1211

1 2 3 4 5 6

МУАССИС:

Ўзбекистон kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5009

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuat va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OIYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari).

Mehrididdin SHUKUROV (Mas'ul kotib - «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib - «Ishonch-Dojevpe»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti - (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot - (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - (71) 256-85-43
Marketing va obuna - (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlari:
Qoraqalpog'iston Respublikasi - (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati - (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati - (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati - (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati - (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati - (+998-99) 889-98-02
Samarqand viloyati - (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati - (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati - (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati - (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati - (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati - (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati - (+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Haydarov

Musahhhillar:
D. Xudoyberganova,
D. Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Bosishga topshirilish vaqti - 01:40
Topshirildi - 02:10

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133